

Қуръон мўминлар учун шифодир | Қуръони Карим дарслари (161-дарс)



19:00 / 14.07.2025 1836

Аллоҳ таоло Исро сурасида шундай марҳамат қилади:

«Қуръонни мўминлар учун шифо ва раҳмат ўлароқ нозил қилурмиз ва (у) золимларга зиёндан бошқани зиёда қилмас», деган (82-оят).

Дарҳақиқат, Қуръони Карим шифодир, Қуръони Карим раҳматдир. Қуръони Карим куйфр, ширк ва мунофиқлик каби энг зарарли ақидавий хасталикларни даволайди.

Қуръони Карим қалблардаги турли иллатларнинг – ҳиқду ҳасад, бахиллик, манманлик, мутакаббирлик ва бошқа касалликларнинг шифосидир.

Қуръони Карим турли ахлоқий, ижтимоий, иқтисодий, муомалавий, сиёсий ва бошқа касалликларга шифо бўлади.

Турли дардларга даво бўлувчи бу шифони борлиққа нозил қилган Зот борлиқни ўзи яратган ва унга қандай шифо кераклигини ҳам яхши билади.

Бу дунё турли моддий ва маънавий касалликларга тўлиб-тошган касалхона бўлса, ўша касалхонанинг бош табиби ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга бу ҳаммабоп давони Аллоҳ таолонинг Ўзи нозил қилгандир.

Шунингдек, Қуръони Карим мўминлар учун раҳмат ҳамдир. У ҳар бир нарсада – шахсий, ақидавий, оилавий, ижтимоий, халқаро, сиёсий, иқтисодий, сиҳҳий ва бошқа соҳаларда раҳматдир. Унга амал қилганлар ҳар тарафлама раҳматга сазовор бўладилар.

Қуръони Каримнинг мазкур шифоларидан даво олиш учун, у орқали мазкур шомил раҳматга ноил бўлиш учун инсон мўмин бўлиши керак. Мўмин бўлмаган одам бу нарсалардан маҳрумдир.

«...ва (у) золимларга зиёндан бошқани зиёда қилмас».

Золимлар – соф фитратга зулм қилиб, иймон ўрнига куфр келтирганлар. Улар иймонга чақирувчи Қуръон оятларига иймон келтирмаганлари ва амал қилмаганлари учун гуноҳлари, зиёнлари зиёда бўлиб бораверади. Ундай инсон шифодан ва раҳматдан бенасиб бўлади. У доимо зиён устига зиён кўриб бораверади.

Аллоҳ таоло яна:

«Айт: «Агар инсу жинлар ушбу Қуръонга ўхшаш нарса келтириш учун тўплансалар ҳам унга ўхшашини келтира олмаслар, гарчи баъзилари баъзиларига ёрдамчи бўлсалар ҳам», деган («Исро» сураси, 88-оят).

Барча инсонларга ҳам, жинларга ҳам жуда оз илм берилгандир. Ҳатто улар руҳ ҳақида ҳеч нарса била олмай, ҳайрондир. Модомики шундай экан, ҳаммалари бир бўлиб, ўзаро ёрдамлашиб ҳаракат қилсалар ҳам, Қуръонга ўхшаш нарса келтира олмайдилар. Қуръон сўзлари каби сўзлар туза олмайдилар. Қуръон жумлалари каби жумлалар топа олмайдилар.

Лекин Қуръони Каримнинг мўъжизакорлиги фақат сўз, жумла, балоғат-фасоҳат ёки услуб жиҳатидан эмас, балки инсониятнинг барча

мушкулотларини ҳал қилишида, унга икки дунё саодатини ато этувчи мукамал ва абадий, ҳар замон ва ҳар маконга мос дастур тақдим қилишида ҳамдир.

Бундай илоҳий дастурни ҳеч ким, ҳатто дунёдаги барча инсонларга барча жинлар қўшилиб, бир-бирларига ёрдам бериб, уринганларида ҳам ярата олмайдилар.

Улар Қуръонга ўхшаш нарса келтириш у ёқда турсин, шу бор Қуръонни тўғри англашга ҳам ожизлик қиладилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 30-жузи

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.